ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 27 декабрь № 51 (228) • Сотувда нархи эркин

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ЯНГИ ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг табриги

Ҳурматли ҳамкасблар, алоқа ходимлари!

1996 йил ҳам ўтиб бормоқда. Бизнинг ёш, Мустақил республикамиз тарихида бу йил муҳим аҳамият касб этади. Шу йили Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг беш йиллигини нишонлади, кўпгина мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар иштирокида буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи байрам қилинди.

Ўзбекистон алоқачилари 1996 йилда аҳоли ва халқ хўжалигига алоқанинг барча турлари бўйича хизмат кўрсатиш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш «Миллий дастури»ни бажариш, алоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича самарали меҳнат қилдилар.

Ўтаётган йилда алоқа корхоналари раҳбарлари, муҳандис ва ишчиларнинг фидокорликлари туфайли тармоқда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, даромад олдинги йилга нисбатан 1,7 баробар, тушум 2,5 баробарга тенг бўлди, рентабеллик эса 50,0 фоиздан кам бўлмади. Бюджет ҳисобига маблағлар тўла-тўкис ўтказилди, халқаро мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар асосан уддаланмоқда.

Хорижий фирмалар билан ҳамкорлик асосида янги техник иншоотлар бунёд этилди. Андижон, Сирдарё, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида рақамли электрон АТСлар ишга туширилди. Ўзбекистондаги электралоқа корхоналари шу тариқа янги технологияга ўтдилар. Эндиликда Тошкент, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳрида рақамли АТСлар ишга туширилиш арафасидадир.

ТОЕ шиша-толали кабел магистрали қурилишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистонлик бунёдкорлар ушбу кабелнинг 600 километрини ётқиздилар.

Ўтаётган йилда сертификациялаштириш ва лицензиялаштириш, бошқариш таркиби, халқаро шартномалар ва ҳисоб-китоблар ҳамда тариф сиёсатини янада такомиллаштириш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Алоқа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масаласи муваффақиятли ҳал этилди.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилди. Баъзи вилоят электралоқа корхоналари хорижий фирмаларга тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажаролмадилар, катта миқдордаги дебитор қарзларни ундиролмадилар, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатларни камайтириш чораларини кўролмадилар. Шу туфайли тармоқнинг молиявий ҳолати бирмунча мураккаблашди. Тошкент шаҳри ва бошқа бир қатор вилоятлар режадаги алоқа иншоотларини битказолмадилар. ТОЕ қурилишининг суръати ҳам кўнгилдагидек эмас. Меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ишларида сусткашлик сезилмоқда. Ечимини кутиб турган социал масалалар бор. Почта корхоналарида иш кўлами кескин камайган бўлсада, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмаяпти. Сифат масаласи электралоқа корхоналари учун ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Жойларда телефонлар сони ва алоқа хизматининг ўсишига эътибор сусайганини ҳам тан олмоқ зарур.

Истиқболда 1997 йил туфайли. Президентимиз И. А. Каримов бу йилни инсон манфаатлари йили деб аташни таклиф этди.

Алоқачилар бу таклифга жавобан барча жабҳаларда ишларни янада жонлантириб, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун астойдил хизмат қиладилар деб ишонаман. Биз асосий эътиборни соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришга, меҳнат самарадорлигини оширишга, хизмат кўрсатиш сифатини ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга қаратмоғимиз лозим. Телекоммуникацияни ривожлантириш ва такомиллаштириш «Миллий дастури»ни бажариш юзасидан катта вазифаларни уддалашимиз зарур.

Янги йилда Ўзбекистон алоқачилари жамоалари ана шу юксак вазифаларни шараф билан бажарадилар деб умид қиламан.

Алоқа вазирлиги кенгаши ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистоннинг барча алоқачиларини янги — 1997 йил билан қизғин, самимий табриклайман! Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий ҳаётингизда бахт-саодат, меҳнатда эса янги зафарлар тилайман!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ҳамкасблар!

Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Алоқа вазири



Ойижон, Қорбобо қачон келади?

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташкилий бўлими бошлиғи Т. Аҳмедов ҳамда вилоятлардаги алоқа корхоналари ва ташкилотлари касаба уюшмаларининг вакиллари иштирок этишди.

ПЛЕНУМ ЎТКАЗИЛДИ

Пленумда алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржонов «Тармоқ битимларини қатъий бажариш борасида касаба уюшма идоралари олиб бораётган ишларни такомиллаштириш тўғрисида» маъруза қилди.

Маърузачи ўз нутқида Президентимиз И. Каримов Конституцияга бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида 1997 йил — Инсон манфаатлари йили бўлсин дея таклиф киритгани, алоқа корхоналари билан касаба уюшмалари ўртасида қабул қилинган тармоқ битимлари тўла бажарилмаётгани, жойларда ойлик маошларнинг ўз вақтида олинмаётганлиги ва келгусида тармоқ касаба уюшмаларида бажарилиши лозим бўлган кўпгина муаммолар хусусида тўхталди.

Муҳокамаларда «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Зикиров, Жиззах вилояти электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Д. Тошанов, Наманган вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси М. Муқимов, Сирдарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Э. Турдибоевлар сўзга чиқдилар.

Пленум қатнашчилари Марказий Қўмитанинг 1996 йилда бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисобот билан танишдилар. Пленумда кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг қарорлари қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоев қатнашди.

• Тошкентда 26 декабрь куни Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси очилди.

• Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

• Тошкентда Қирғизистон элчихонасининг янги биноси очилди.

• Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Украина ҳудуди яхлитлигини қўллаб-қувватлашини билдирди. Бундай баёнот Украина ҳудудидаги Севастополга алоҳида мақом бериш тўғрисидаги талабларга жавобан қабул қилинди.

• Халқаро валюта фонди Озарбайжон ҳукуматининг иқтисодий дастурларини қўллаб-қувватлаш учун жами 219 миллион долларлик кредит берилишини маъқуллади.

• Оммонда Иордания подшоси Ҳусайн ва Фаластин раҳбари Ёсир Арофат тўхтаб қолган Исроил-Фаластин музокараларини давом эттириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

• Эрон Президенти Рафсанжонийнинг Туркияга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ташрифда ҳарбий соҳада ҳамкорлик масалалари муҳокама этилиши кўзда тутилган бўлса-да, икки мамлакат ўртасида асосан савдо-иқтисодий битимлар имзоланди.

• Римда Парижда вафот этган 73 ёшли италиялик буюк артист Марчелло Мастрояннини дафн этиш маросими бўлди. Унда Италия Президенти ҳам иштирок этди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўтказган «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» кўрик танлови ғолибларининг таниқли адиблар билан учрашуви ўтказилди.

• Россия Президенти Борис Ельцин юрагида операция ўтказилгандан кейин сўнгги тиббий муолажаларни олиб, Москвада хизмат вазифасини бажаришга киришди.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧ КЕЛТИРСИН . . .

Вақт шиддаткор. Мана, дўппини бир айлантиргунча 1996 йил ҳам тарих саҳифаларидан ўрин олмоқда. Ўтаётган йилда республикамиз ҳаётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Миллатимиз ривожи учун энг муҳим омил бўлган истиқлолимизнинг беш йиллигини байрам қилдик. Тарих мулкига айланаётган йилда ўз автомобилларимизни ишлаб чиқара бошладик. Қатор ишлаб чиқариш жабҳаларида, жумладан алоқа соҳасида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Бу йил республикамизнинг Андижон, Бухоро, Сирдарё каби вилоятларида Жанубий кореялик ҳамкорлар билан электрон рақамли станциялар ишга туширилди. Буларнинг барчаси республикамиз ривожи, қолаверса, инсоният равнақи учун хизмат қилади. Юртбошимиз Асосий Қонунимиз — Конституциянинг 4 йиллигини нишонлашга бағишланган тантанали йиғилишда «1997 йил — Инсон манфаатлари йили бўлсин» деган ибратли таклифни айтди. Дарҳақиқат, келаётган йилимиз барчамиз учун баракали йил бўлсин, чексиз қувонч ва ютуқлар келтирсин. Мухбирларимиз янги йил байрами арафасида заҳматкаш алоқачиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилишди:

1. Ўтаётган йилда ҳаётингизда қандай ўзгаришлар рўй берди? Барча режаларингиз амалга ошдими?

2. Янги — 1997 йилда қандай эзгу ишларни амалга оширмоқчисиз?

3. Газета муштарийларига қандай байрам тилакларини билдирасиз?

Неъмат ШОРАҲМЕДОВ, Алоқа вазирлиги раҳбар ходимлар ва ўқув юртлари бўлими бошлиғининг ўринбосари:

1. 1996 йил хотирамда ўчмас из қолдирди. Чунки бу йил кенжа ўғлим Шавкатжон Тошкент электротехника Алоқа институти талабаси бўлди. Бундан ташқари, оиламизда яна бир қувончли воқеа юз берди, яъни қўшалоқ неварали бўлдик.

2. Янги йилда вазирлик олдига қўйган улкан режалардан бири — ўқув юртларининг дастурларини замонавий андозалар асосида кескин янгилаш, техник асбобускуналар ўрнатиш, янги алоқа жиҳозлари билан таъминлашдир. Мен ҳам янги йилда ана шу муҳим тадбирда фаол қатнашиш умидидаман.

3. Барча газетхонларимизга соғлиқ, шоду-хуррамлик, хонадонларига тинчлик, оилавий хотиржамлик тилайман. Янги йил халқимизга қувонч ва рўшнолик келтирсин.

Муҳаббат ТЎРАҚУЛОВА, Тошкент шаҳри 35-шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув бўлими бошлиқ муовини:

1. Ўтаётган йилда жамоамиз 35-алоқа тизимини ижарага олди. Ходимларимиз бутун куч-имкониятларини ишга солиб ишлашмоқда. Режаларимизни ўз вақтида бажаряпмиз. Ўтган йилга қараганда мижозларимизнинг сони бирмунча ошди. Бу йил факс орқали ҳамда автомат сўзлашув линиясини очдик. Бу эса абонентларга яна бир қулайлик яратиш билан бирга ишимиз ривожида ҳам яхши самара бермоқда.

2. 1997 йилда алоқа линиямизни янада такомиллаштириш, янги замонавий асбобускуналар билан жиҳозлаш, мижозларимизга шинам ва қулай сўзлашув маскани яратишни ният қилганмиз.

3. Республикамизда жон куйдириб ишлаётган алоқачи ходимларни кириб келаётган 1997 йил — Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ҳамда ишларида зафарлар тилайман.

Дилфуза НУРМУҲАММЕДОВА, Мирзо Улуғбек халқ банки бўлими назоратчиси:

1. Ўзим алоқачи бўлмасамда, алоқачилар ҳаётига жуда қизиқаман. Шу боисдан бўлса керак, «Хабар» газетасининг доимий мухлисиман, ўтаётган йилда икки қизим, яъни Ирода ва Нигоралар инглиз тили бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтишиб, гимназия мактабига ўқишга киришди. Бу оилавий ҳаётимизда қувончли ҳолдир.

2. Албатта, инсон орзу-умидсиз, режасиз яшай олмайди. Янги йилдан умидларимиз кўп. Фақат уларни ҳалол меҳнатимиз орқалигина амалга оширсак, шунинг ўзи кифоя.

3. «Хабар» газетаси муштарийларини, шу жумладан барча алоқачиларни янги йил билан муборакбод этаман.

Рустам УМАРОВ, Тошкентдаги 71-сон газеталар дўкони сотувчиси:

1. Ўтаётган йилда иш жойим ва шахсий ҳаётимда айтарли катта воқеалар рўй бергани йўқ. Аммо ишим бир маромда кетяпти. Ойлик ва йиллик режаларини ўз вақтида бажариб келяпман.

2. Дўконимиз сергавжум жойда жойлашганлиги боис мижозларимиз ҳам кўп. Фақат уларга яхши муомала билан хизмат кўрсатиш, 1997 йилда ҳам белгиланган режаларни муваффақиятли бажариш эзгу ишларимдан биридир.

3. Газетхонларга бахт-иқбол, соғлиқ ва ишларида омадлар ёр бўлсин!

Суҳбатларни АБДУҒАНИ ва СОЛИЖОНлар ёзиб олишди



Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг М. СУХАНОВА, В. ЗАБИРОВА, Г. ХИЖОВА каби 1-тоифадаги тажрибали телефончилари байрам арафасида ҳам кўплаб буюртмалар қабул қилиб, мижозларга шарафли хизмат кўрсатишни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• ОБУНА — 97

ФАОЛЛИК НАМУНАСИ

Учкўприк почта алоқа боғламаси обуна бўлими 1997 йил учун газета ва журналларга обунани ўтган йилга нисбатан анча уюшқоқлик билан ўтказди. 1996 йил учун туманда 9500 нусха газета-журналларга обуна қилинган бўлса, 1997 йил учун 11.500 дона матбуот нашрларига обуна уюштирилди. Бундай ютуққа эришишда жамоатчи почта ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Чунончи, жамоатчи почтачилардан Н. Райимжонов пайпоқ йигирув фабрикасидан 1000 нусхада, халқ таълими бўлимидан С. Илҳомжонов эса 800 нусха газета-журналларга обуна уюштирдилар. Алоқа тизимидаги ходимлардан 76 нафари 1997 йилда «Хабар» газетасини олиб ўқийдиган бўлишди.

Учкўприк тумани почта алоқа боғламасининг обуна бўлими бошлиғи Солижон Ғиёсов биз билан суҳбатда бу йилги обуна мавсуми тўғрисида шундай деди:

— Туманимизда 1990 йилда 60 минг дона газета-журналга обуна ўтказганимиз эсимда. Кейинги пайтларда иқтисодий қийинчиликлар сабабли газета-журналларга ёзилиш сезиларли камайди. Аммо бу йил биз барча имкониятларни ишга солиб, обуна мавсумини анча яхши кўрсаткичлар билан якунладик.

Шу боис ҳам учкўприклик почта алоқа боғламасининг обуна бўлими ходимларини Фарғона давлат почта алоқа корхонаси бир ойлик маош миқдорида тақдирлади.

Ҳа, ҳалол ва фидокорона қилинган меҳнат ўз қадрини топмай қолмайди...

Қ. ТУРСУНОВ, жамоатчи мухбир

• РАСМИЙ ЖАВОБ

«ХАБАР» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИГА

Газетанинг 22.11. 1996 йил сонида чоп этилган «Оддий тартиб кимга боғлиқ?» сарлавҳали танқидий мақола Ҳамза телефон тармоғи ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида диққат билан муҳокама этилди.

Кўрсатилган камчиликларнинг асосий қисми ўрнини деб топилди. Ушбу масала юзасидан Ҳамза телефон тармоғи бошлиғининг 05.12.1996 йилдаги 91-буйруғи тайёрланди. Унда аҳолига хизмат кўрсатишда йўл қўйган камчиликлари учун абонентлар бўлимининг бошлиғи Қ. Орифжоновга, ҳисоб-китоб гуруҳи раҳбари Т. Мелентьевага қаттиқ ҳайфсан, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳисоб-китоб гуруҳи оператори Х. Собитовага мижозга нисбатан кўпол муомалада бўлганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

35-26-63 телефон рақамига келсак, у шу кунга қадар Ҳамза телефон тармоғида Федяевга расмийлаштирилган бўлиб, шу пайтга қадар Т. Тўраева ноқонуний равишда телефон рақамидан фойдаланиб келмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг 02.11. 1992 йилдаги 253-буйруғига асосан тасдиқланган шаҳар телефон алоқасидан фойдаланиш қоидаларига биноан мижоз уй сотиб олгандан сўнг 1 ой ичида телефон рақамини ўз номига расмийлаштириши шарт. Лекин Т. Тўраева бир неча бор огоҳлантиришимизга қарамасдан телефон рақамини ўз номига расмийлаштирмаган.

Ҳозирги кунда мижозлар билан Ҳамза телефон тармоғи шартномалар тузиб, уларга керакли маълумотлар бериб бормоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни лозим деб топдик. Бозор иқтисодиёти даврида корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 май 1995 йилдаги қарорига асосан қарздор мижозларнинг телефони аввал огоҳлантирилиб, кейин ўчириляпти.

Жамоамизда кўп сонли аҳолининг истак ва талаблари ҳамда эътирозларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида муҳандислардан ташкил топган қўшимча диспетчерлик навбатчилиги жорий қилинди. Улар ўз иш фаолиятлари вақтида ҳар бир фуқаронинг эътироз ва муаммоларини ўрганмоқдалар ва имкон даражасида шу ернинг ўзида ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Яна шуни маълум қиламизки, Ҳамза телефон тармоғида раҳбарият ва станция муҳандисларининг қабул қилиш соатлари кўрсатилган эълонлар биринчи ва иккинчи қаватларда ўрнатилган бўлиб, шаҳар телефон қоидаларига асосан ташкил этилган. Шунингдек, вестибюлда ўрнатилган телевизор орқали мижозларга керакли маълумотлар ҳар куни бериб борилмоқда.

Юнус ҒАФУРОВ, Ҳамза телефон тармоғи бошлиғи

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Мирасрор МИРСОБИТОВ!
Сизни муборак 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан қизғин қутлаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва ишларингизда муваффақият тилаймиз.

Паркент ва Янгибозор почта алоқа боғламаси ишчи-ходимлари жамоаси

Дина ТЕЛЕВИЦКАЯ

ҚОРБОБО

Қорбобо ростдан ҳам бор,
Яшар қалин ўрмонда.
Бизни деб нафас олар,
Бизни ўйлар ҳар онда.
Аммо юмушлари кўп,
Ташвишлари мўл уни.
Деразадан мўралар
Бирров Янги йил куни.
Қопидаги совғалар
Фақат бизга аталар.
...Не деса деяверсин
Ишонмаса катталар.

Владимир ДАНЬКО

МУЗЛАТГИЧ

Таня буни яхши билар,
Таня пайқаган кўп бор.
Музлатгичнинг ичида
Ёзда ҳам тугамас қор.
Муз қозиқлар — сумалаклар
Осиғлик турар унда.
Торт устини қиров қоплар,
Ҳатто қуёшли кунда.

Али БОБОЖОН
тожик шоири

ҚАРҒА

(«Қушлар» китобидан)

Йўлаклар оқ, томлар оқ,
Қор тўшалган кенг қирга.
Қир қўйнида бир қарға
Ўхшар худди кўмирга.
Сув иситиб, сув ташиб,
Бизлар чойшаб ювамиз.
Энгил-бошдан эринмай,
Гард-ғуборни қувамиз.
Кир ювиш машинасин
Юргизаман шошмагин.
Қарға, совунга тегма,
Ва ҳаддингдан ошмагин.
Бундай қилиш яхшимас,
Ўғирлик уят ахир.
Ювинсанг ҳам йил бўйи
Оқармайсан барибир!

Абдураҳмон АКБАР
таржималари

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Кунларнинг бирида таниқли адиб Жером К. истироҳат боғидаги кўлда бир хоним билан қайиқда сайр қиларди. Ёзувчининг уқувсизлик билан эшкак эшаётганини пайқаб қолган ҳамроҳи унга деди:

— Худо кўрсатмасин, мабодо қайиқ ағдарилиб кетса, чўкиб кетишим турган гап. Ахир мен сузишни билмайман!

— Кўп ташвиш чекманг, хоним, — дея жавоб қилди Жером, — агар қайиқ тўнтарилиб кетадиган бўлса, мен сизни ёлғизлатиб қўймайман. Чунки мен ҳам сузишни билмайман!

* * *

Хемингуэй Париждаги барларнинг бирида ёлғиз ўзи коньякни майдалаб ичиб ўтирарди. Бир маҳал у ёнига бармени чақириб, кадахдаги ичимликдан бир ҳўплатиб, «Сиз ҳам бир қултум ҳўплант-чи», дея унга узатди.

— Бу нима қилганингиз? — норози оҳангда жавоб қилди бармен. — Статистика маълумотларига қараганда, ҳар йили спиртли ичимлик туфайли қариб бир миллион французнинг гетти қуриркан.

— Сиз мутлақо ташвиш чекманг, чунки мен америкаликман.

* * *

Лев Николаевич Толстой ортидан гуруҳ-гуруҳ бўлиб эргашиб юрадиган газетачиларни ёқтирмас экан. Бир мухбир ёзувчининг сўзбатини олмоқчи бўлиб, рухсат сўрабди.

— Сизга бунинг нима кераги бор ўзи? — дебди Толстой.

— Қанақасига керак бўлмас экан, Лев Николаевич! Ахир Россиядаги бориб турган тентак ҳам сизга катта қизиқиш билан қарайдику!

— О, буни мен ўз кўзим билан кўриб турибман, — жавоб берибди Толстой.

* * *

— Француз тилини ўрганиш қийинми? — деб сўрабди бир хоким Гейнедан.

— Мутлақо қийин эмас! — деб жавоб беribди машҳур шоир. — Шунчаки немисча сўзлар ўрнига французча сўзларни қўшиб гапираверасиз.

БАЙРАМНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТАДИ?

Янги йилни шоду-хуррамлик ва хурсандчилик билан кутиб олиш азалий одат. Ўзининг ўйин-кулгилари, болажонларга олам-олам қувонч ҳадя этиши билан бу байрам бошқа байрамлардан ажралиб туради. Уни ҳар бир халқ ва элат ажойиб ва ғаройиб тантаналари, ўз урф-одатлари билан нишонлайди.

Шотландияда Янги йил тантанаси энг яхши байрам ҳисобланиб, ниҳоятда хушчақчақлик билан қарши олинади. Уй бекалари ёнғоқ ва майиз солинган анъанавий кулча тайёрлашади. Соат миллари 12 рақамини кўрсатиши билан эски йилнинг чиқиб кетиши, Янги йилнинг кириб келиши дея уй эшиклари очиб қўйилади. Шундан сўнг оиланинг ҳамма аъзолари Янги йилда биринчи бўлиб ким қадам ранжида қилишини сабрсизлик билан кута бошлайдилар...

Венгрияликлар шу куни фақат бахт ҳақида ўйлашади. Оила бошлиғи уйга бир қучоқ похол олиб киради. Анъана бўйича «нима олиб келдингиз?», деб сўрайди уй бекаси ундан. «Тинчлик, саломатлик» дея жавоб беради у. Шундан сўнг бутун уй ичига похол сочиб ташланади.

Японлар қуйидаги овқатларни: денгиз карами — хурсандчилик, қовурилган каштан — ишда омад, қайнатилган балиқ — хотиржамлик, сельд икраси (увилдириқ) — оилага бахт келтиради деб байрам дастурхонига тортишади. Оила жам бўлиб, дастурхон атрофида йиғилганларга ёқимли мусиқа қўйилади ва ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлиши лозим. Уларнинг ўйлашича, йил бошида қилинган орзу ижобатга айланиши мумкин экан.

Булғорияда соатлар янги йил кирганлигидан дарак берувчи охирги зангни уриши билан бир неча дақиқа чироқлар ўчириб қўйилади. Шу вақт ичида даврадагилар бир-бирлари билан кўришишади.

Французлар байрамни қовурилган курка гўштисиз тасаввур этишолмайди. Шунинг учун янги йил кечаси лотерея ўйинлари ташкил қилишади. Унда ҳар хил паррандаларни ютиб олиш мумкин. Бу ҳам ўзига хос анъана. Бироқ Австрия, Югославияда янги йил дастурхонига парҳез гўшти қўйилмайди. Чунки бу мамлакатлардаги халқларнинг одатига кўра, қанотли ҳайвон бахт ўғриси ҳисобланаркан.

Гаити оролида эса Янги йилни кутиш ҳар йили аниқ бир вақтда бўлмаслиги мумкин, чунки Янги йил биринчи қор ёққан куни нишонланади.



ҚАДИМИЙ МАРОСИМ

Янги йил байрами деганда кўз ўнгимизда ясатилган арча, Қорбобо ва жажжи Қорқиз гавдаланади. Қорбобо қачондан бери Янги йил меҳмони бўла бошлаган? Бу каби саволлар барчани қизиқтириши табиий.

Янги йилни байрам қилишни дастлаб қадимий румоликлар бошлашган. Россиянинг Жанубида истиқомат қилувчи халқлар эса иқлим шароитига қараб Янги йилни сентябрь ойида нишонлашган.

Пётр I 1699 йилнинг 15 августида Янги йилни 1 сентябрда эмас, 1700 йилнинг 1 январидан бошлаш, катта йўллар ва серқатнов кўчаларни арча билан безатиш хусусида фармон чиқаради. Ана шундан буён 1 январь йилнинг бошланиш ойи ҳисобланади, 31 декабрь куни эса ҳамма янги йилни интизорлик билан кутиб олади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Хабар» газетаси жамоаси халқимизнинг севимли ёзувчиси Тоҳир МАЛИКни 50 ёши билан самимий табриклайди ҳамда ижодий баркамоллик, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ, Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ, Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Нурали ҚОБУЛ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600. ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0739. 7625 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Киз ва кўнчаларр». «Буюк ёпилиш». Мультфильмлар.
8.50 «Кўшигим — жон кўшигим».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сирли сандиқ». Телевизион уйин.
10.45 Бокс бўйича Ўзбекистон кубоги. Ярим финал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилояти мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.
13.30 «Кунгил тароналари». Ганижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Эркатой».
18.40 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Окшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Дилнавоз садолар».
21.30 «Морена Клара». Телесериал.
22.15 «Бу окшом...»
22.35 «Ешлар базми». Байрам дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Мақрам кечаси.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
18.15 ТВ-2. Эълонлар.
18.20 «Киш кунларининг бирида». Мультконцерт.
18.50 Болалар ва катталар учун кувнок шеърлар.
19.00 «Утган йилги кор ёгди». Катталар учун мультфильм.
19.20 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
20.00 Автосалон». Байрам дастури.
20.10 «Калбдан калбга». Вена бали.
20.20 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Видеоклип.
21.05 «Оловуддин-97». Киноконцерт.
21.25 «Курьер».
21.40 «Турли кизикишлар».
22.15 ТВ сирларни ошкор этади.
22.35 Оханглар ва Эълонлар.
22.55 — 00.30 Янги йил кинозали.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 Эълонлар.
18.05 «Янги курбон». Телесериал.
19.00 Муқиқий дам олиш дастури.

*

19.20—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 «КВН-96». Финал.

*

23.20—23.50 Россия давлат телевидениеси.

*

23.50 Эълонлар.
23.55—24.00 Янгиликлар.

IV

17.10 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Спорт-тайм».
19.40 «Жахон». Халқаро шарх.
20.00 Кечки сеанс. «Кўрикчи». Бадиий фильм.
21.30 Видеоканал «Кимга қанақа?». Байрам дастури.
«Эҳтиежга эътибор...»
«М» хабар.
«Душанба».
«Шлягер».
«Авторейд».
«Ael».
«5+1». Интервью.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Янги йилим — яхши йилим». Адабий-мусиқий композиция.
8.50 «Ертўкуюк ва ялқовлар». Мультфильмлар тўплами.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
10.30 Бокс бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Омад кулиб бокқанда». Бадиий фильм.
13.10 «Кутлов». Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг Янги йил байрам дастури.
14.00 — 16.15 Саид Ахмад. «Келинлар кўзголони». Аброр Хидоятов номидаги Ўзбекистон давлат драма театрининг спек-

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ен-ён, арчажон!»
18.40 Мусиқий йилнома.
19.20 Байрам табриги. Эълонлар.
19.30 «1996 йил». Информацион шарх (рус тилида).
20.00 Байрам табриги. Эълонлар.
20.15 «Бир улка-ки...» 1-қисм.
20.35 «Ўлдузлар шуъласи». Спорт кўрсатуви.
20.55 Байрам табриги. Эълонлар.
21.00 «Йилнома». Информацион шарх.
21.45 Байрам табриги. Эълонлар.
21.55 «Бир улка-ки...» 2-қисм.
22.25 «Репортаж».
22.40 «Мутойиба». Янги йил ҳазиллари.
22.55 ТВ-1 каналида Янги йил. 1-қисм.
23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг байрам табриги.
00.05 ТВ-1 каналида Янги йил. 2-қисм.
01.30 «Чимён тароналари».
02.20 «Мафтункор чехралар».
03.00 Эстрада калейдоскопи (Сан-Ремо-96).
03.30 «Ватан тимсоллари».
03.40 — 03.50 «Янги йилингиз билан!». Видеоклип.

II

18.00 Янгиликлар.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
18.10 Эълонлар.
18.15 Йил якунлари.
18.30 Болалар учун. Янги йил мультфильмлари.
18.50 «Янги йил учрашувлари». Байрам дастури.
19.20 «Биз Ўзбекистонда яшаймиз». Блиц-интервью.
19.25 Эълонлар.
19.30 «1996 йил». Информацион шарх (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
20.05 «Янги йил учрашувлари». Байрам дастури ининг давоми.
20.55 Бриджда Бардо кўшиқлари.
21.00 «Йилнома». Информацион шарх.
21.45 Эълонлар.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
21.55 «Санта Клаус билан шартнома». Бадиий фильм.
23.15 «Янги йил байрам дастури». 1-қисм.
«Ўзбекистон: кундан — кунга». Видеоклип.
23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг байрам табриги.
00.05 «Янги йил байрам дастури». 2-қисм.
01.05 «Азизим Шанель». Бадиий фильм.
02.45 — 03.15 Мусиқий дастур.

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

7.30—9.00, 18.00—23.45 Россия жамоат телевидениеси.

*

23.45 Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Янги йил табриги.
00.05—00.35 Мусиқий дам олиш дастури.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Тошкент окшомида».
19.30 Эълонлар.
19.40 «Салом, келажак!».
20.05 «Алло, эшитаман!..»
20.35 Эълонлар.
20.40 «Каталог-шоу».
21.40 Киносалон. «Ўгрилар мактаби». Бадиий фильм. 2-серия (Италия).
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Мумтоз ашулалар.
9.00 «Файзли дамлар». Телеочерк.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Кинолавҳа.
10.10 «Дилдаги гаплар». Абулқосим Туйчиев.
11.00 «Инсон ва замин». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Эски уй сохиблари». Мультфильм.
12.00 «Ен-ён, арчажон!»
12.30 Т. Юнус, А. Расулов. «Бири кам дунё». Мукимий номидаги Ўзбек мусиқий театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижинг-тойимиз». Янги йил байрам сони.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Дилнавоз садолар».
19.30 Эълонлар.
19.40 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Окшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Одобнома».
21.30 «Дилнавоз садолар». Илҳом Ирроҳимов кушиклари.
21.55 «Суюнчи». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Киш кунларининг бирида». Мультконцерт.
9.30 Болалар ва катталар учун кувнок шеърлар.
9.40 «Утган йилги кор ёгди». Катталар учун мультфильм.
10.00 «Автосалон». Байрам сони.
10.10 «Калбдан калбга». Вена бали.
10.20 «Оловуддин-97». Киноконцерт.
10.50 «Курьер».
11.10 «Турли кизикишлар».
11.45 ТВ сирларни ошкор этади...
12.05—13.45 «Кинонигох».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ерилтош». Мультфильм.
18.35 Киносаийёра.
19.05 «Мусиқий йулка».
19.15 «Бирдан бир имкон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Окшом» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ажолдинг».
21.20 Мусиқий йулка.
21.30 «Ишбилармонлар».
22.00 «Дойче Велле» оханглари ва Эълонлар.
22.30—00.10 «Кинонигох».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.

*

18.00—00.30 Россия жамоат телевидениеси.

*

00.30 Эълонлар.
00.35—00.40 Янгиликлар.

IV

17.00—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.40 «Интер-спорт».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мультэкран».
20.50 «Каталог».
21.05 «Халқаро жанжал». Телесериал (Италия).
22.05 «Сузуки халқаси». Телефильм (Япония).
22.30 Эълонлар.
22.35 «Эколот-коктейль» мусиқий кўрсатувига иловолар.
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.

*

8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Эстрада концерти.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мультипанорама».
10.30 Немис тили.
11.00 «Ариффбо сабоқлари».
11.30 «Темурнома».
11.50 «Хамкорлик ришталари».
12.40 О. Эргашев. «Шукрона». Теленовелла.
12.40 Ўзбек куйларидан концерт.
13.10 «Урмон кушиғи». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Тақдим».
18.35 «Мутолаа».
18.55 «Дилнавоз садолар».
19.15 Бизнес ҳафта якунлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қалб гавҳари».
20.15 Окшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Мафтункор чехралар».
22.05 «Морена Клара». Телесериал.
22.55 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Жума — муборак кун.
00.05 Тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 Мультғуплам.
9.20 «Жозиба».
9.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.40 Театр ҳақида ўйлар.
10.00 «Жозиба».
10.10 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.35 Видео — «О».
12.15—13.00 «Спорт ҳикояси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.25 «Мулк эгаси ким?»
18.40 «Нуқтаи назар».
19.10 «Ором онлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сиздан ишорат».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.50 «Ковун тушди».
22.10 Оханглар ва Эълонлар.
22.40—00.20 «Кинонигох».

III

18.10 Янгиликлар.
18.15 Эълонлар.

*

18.20—21.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Шохсупа сари».

*

22.00—22.35 Россия давлат телевидениеси.

*

22.35 «Алла Пугачева билан учрашув».
23.15 Эълонлар.
23.20—23.25 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Иймон даъвати».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Бу бустон аро...»
20.40 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.10 «Мўъжизалар».
21.30 «Ораб эстрадаси.
22.05 Эълонлар.
22.10 «Уй остонадан бошланади».
22.40—22.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нур — Ражабий». Ҳужжатли фильм.
10.30 Анвар Обиджон. «Кулги булар ҳаммага». «Томоша» болалар фольклор театрининг спектакли.
11.30 «Темурнома».
«Ешлик» студияси намойиш этади:
11.50 «Ёш куч». Тележурнал.
12.30 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
13.00 «Хабарнома».

* * *

13.10—14.30 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.30 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Меҳр қолур...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Окшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Хайрат».
21.50 «Ўзбекистон юлдузлари». Шоу-дастур.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.20 «Раңглар жилоси».
22.30 Куй ва тасвир.
22.50 Ирроҳим Тотлисас «Сархуш» фильмида.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Мулк эгаси ким?»
9.35 «Нуқтаи назар».
9.55 «Ором онлари».
10.10 «Сиздан ишорат».
10.40 «Ковун тушди».
11.00 «Кинонигох».
12.40—14.15 «Спорт ҳикояси».

* * *

18.00 «Ерилтош». Мультфильм.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
19.05 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Шанба окшоми». **Дам олиш дастури:**
«Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт ҳикояси».
21.50 Оханглар ва Эълонлар.
22.20—00.10 Видео — «О».

III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.35—21.35 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.35 «Мусиқий жилолар». Телефильм.

*

22.00—22.30 Россия давлат телевидениеси.

*

22.30 Эълонлар.
22.35—22.50 «Анор». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Комедиантлар».
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.10 Эълонлар.
11.15 «Янги йил учрашувлари».
11.45—13.15 Кинонинг олтин асри. «Синьор Робинзон». Бадиий фильм.

* * *

17.00—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба окшоми».
19.10 «Санта-барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 Кинонинг олтин асри. «Кликанжаро қорлари». Э. Хемингуэйнинг шу номли романи асосида бадиий фильм.
22.20 «Беш дақиқа ўзинг учун».
22.25 Эълонлар.
22.30 «Синсэн».
23.00 «Комедиантлар».
23.20 «Жиллет-спорт».
23.50 «Хит-коллекция».
00.10 «Бу ажиб дунё».
00.30 Эълонлар.
00.35—00.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 Болалар учун концерт.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев «Кунгил кучалари». Видеофильм. 23-кўй.
13.10 «Кувнок стартлар».
14.00—15.00 «Нурли келажак». Ўсмирлар учун видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Арча кувончлари».
18.30 «Борже узуги». Телесериал.
19.15 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир улка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва бахс».
22.15 Дикқат, премьера: М. Бобоев. «Кунгил кучалари». Видеофильм. 24-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Даракчи».
9.10 «Болаларнинг тили».
9.30 «Мульти-пульти».
9.50 «Болажон» экрани.
11.35 «Дилором наволар».
11.40 «Унутилмас тасмалар».
13.15 «Табиат шифохонаси».
13.35 «Бекажон».
13.45 «Эҳтиром».
14.05 «Ана шунақа...» Ҳажвий кўрсатув.
14.30 Видео — «О».
16.15 Кундузги дастур ниҳояси.

* * *

18.00 Якшанба дастурининг окшом кўрсатувлари.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи...»
18.40 «Мульти-пульти».
19.00 «Дунё кўриб — дунё ярат».
19.20 «Дилором наволар».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Панорама» (рус тилида).
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Хафтанома».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Таманно».
21.20 «Умрбоқий мерос».
21.35 «Мезбон».
21.50 Оханглар ва Эълонлар.
22.50 Видео — «О».
00.10—00.20 «Мувозанат». Келгуси ҳафта тақвими ишқибозлари учун.

III

17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

17.30—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги курбон». Телесериал.
22.35 Эълонлар.
22.35—23.00 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайри бўлсин!
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сехрли олами».
11.20 «Парле ву франсе».
11.50 «Жонли сайёра».
12.10 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
14.40 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
15.20 «Биргаликда қуйлайлик».
16.10 «Кинопробы». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
16.40 «Сенинг вақтинг».

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.00 «Мультқарусель».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Телеташирф».
19.35 «Дарвоқе». Дам олиш кўрсатуви.
20.00 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 Киносалон. Б. Бертолуччининг «Ўгри-фаришта» фильми (Италия).
22.30 «Ишқирок этувчилар».
23.00 «Кинопробы». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
23.30 «Эллада». Рождество дастури.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).